



24-25 апрель кунлари Козон шаҳрида, «Kazan Expo» Халкаро кўргазмалар маркази худудида, «Россия – Ислом дунёси: KazanSummit 2019» XI Халкаро иктиносидий саммити доирасида Халкаро ҳалол-саноат кўразмаси - RUSSIA HALAL EXPO бўлиб ўтади. Кўргазма ташкилотчилари – Татаристон Республикаси мусулмонлар Диний идораси, ТР МДМ «Ҳалол» стандарти бўйича Кўмита ва Татаристон Республикаси Инновацион ривожланиш агентлиги хисобланади.

Кўргазма Татаристоннинг бошка минтақалар ва мамлакатлар билан савдо-иктиносидий, ижтимоий-маданий алоказаларини ривожлантириш, Россия иктисиётининг "ҳалол" сегменти салоҳиятини намойиш килиш ва россиялик таъминотчиларнинг ҳалол маҳсулот ва хизматларни баҳолаш максадида ўтказилади. Бунда якин ва узок хориж мамлакатларидан: БАА, Саудия Арабистони, Эрон, Туркия, Индонезия, Бахрайн, Малайзия, Уммон, Миср, Жанубий Корея, Канада, Буюк Британия, Ўзбекистон, Козогистон, Киргизистон, Озарбайжон, Беларусдан ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчилар хам ўз маҳсулотларини тақдим этиши режалаштирилган.

Кўлами ва оммавийлиги йилдан-йилга ўсиб бораётган RUSSIA HALAL EXPO халкаро кўргазмаси Россия Федерациясида ҳалол саноат ривожланиб келаётган вакт давомида ўтказилган энг йирик кўргазмага айланади. Масалан, агар 2018 йил кўргазма экспозицияси 1,4 минг кв.м. майдонни эгаллаган бўлса, бу йил унинг умумий майдони 3,5 бараварпга ортади ва 5 минг кв. м.ни ташкил киласи.

Бундан ташкири, RUSSIA HALAL EXPO 2019 ўз жойлашуви ўзгартиради. Бу йил тадбир «Козон» Халкаро аэропортига якин жойлашган «Kazan Expo» кўргазма маркази худудида бўлиб ўтади. Бу халкаро ва минтақалараро коммуникациялар учун янги майдон, дунё технологиялари ва билимлар трансфери учун платформадир. «Kazan

Expo» аэропорт ва аэроэкспресс станцияси билан усти ёпик ер усти ўтиш йўли оркали бирлаширишган учта кўргазма павильонидан иборат жаҳон талабларига жавоб берадиган комплекс хисобланади.

Кўргазма диорасида илк марта катта фуд-корт ишлайди, у хам нафакат махаллий умумий овкатланиш муассасалари, балки Россиянинг бошка минтакалари ва хорижий мамлакатлардан умумий овкатланиш муассасалари хам ўз маҳсулотларини тақдим этади. Ташкилотчиларнинг ваъда килишларича, меҳмонлар ва ташриф буюрувчиларга грузин, дагистон, грек, итальян ва бошка кўплаб дунё халклари ошхоналари таомларидан татиб кўриш таклиф килинади. Кўргазмада «ОАВ ёки блогерлар» очик сессиясида, шунингдек, модалар намойишида таникли блогерларни хам учратиш мумкин бўлади. Тадбир доирасида алоҳида ўйин худуди кўзда тутилади – ота-оналар кўргазма экспозицияси билан танишиб чикиш пайтида уларнинг фарзандлари тенгдошлари орасида фойда билан вакт ўтказиши хамда педагоглар ва аниматорлар назорати остида кизикарли маҳорат дарсларида иштирок этиши мумкин.

RUSSIA HALAL EXPO га 5 минг киши ташриф буюриши кутилмокда: бу бизнес-структуралар савдо ритейли вакиллари, давлат хукумат органлари вакиллари ва раҳбарлар, халол саноат эксперtlари, жамоат арбоблари, Козон шахри, Татаристон Республикаси ва Россия Федерацияси ахолиси ва меҳмонлар бўлади. Олий марта бали раҳбарлар, давлат ваколатхоналари ва савдо делегациялари раҳбарлари, вазирлар, Россия ритейли вакиллари, мусулмон олимлари Почетными гостями выставки традиционно станут участники XI Международного экономического саммита «Россия – Ислом дунёси: KazanSummit 2019» XI Халкаро иктисадий саммити катнашчилари бўлади.

Абу Муслим